

# ТИРОСТИМУЛИН

**ҚАЛҚОНСИМОН БЕЗ КАСАЛЛИКЛАРИНИ  
ДАВОЛОВЧИ ИННОВАЦИОН ПРЕПАРАТ**

**Қўллаш бўйича йўриқнома**

«Т А С Д И Қ Л А Н Г А Н»

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ  
САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ

Дори воситалари, тиббий буюмлар ва  
тиббий техника эксперишлари ва  
стандартлаштириш давлат маркази

Препаратни қабул қилишдан аввал йўриқномани ўқиб чиқиш тавсия қилинади. Унда сиз учун муҳим ва фойдали маълумотлар мавжуд. Қўшимча маълумот олиш учун сиз даволовчи шифокорга ёки фармацевтга ҳамда тўғридан тўғри компанияга мурожат қилишингиз мумкин

**Препаратнинг савдо номи:** Тиростимулин

**Таъсир этувчи модда (ХПН):**

тиростимулин – мис микроэлементининг альфа–кетоглутар кислотали комплекс бирикмаси

**Дори шакли:** сиртга қўллаш учун гел

**Таркиби:**

**фаол модда:** тиростимулин - 0,2%

**ёрдамчи моддалар:** карбомер (карбопол), натрий гидрооксид, тозаланган сув

**Таърифи:** оч феруза-яшилсимон рангли, гидсиз, бир жинсли гел

**Фармакотерапевтик гуруҳи:** эндокрин тизими паталогиясини даволаш учун воситалар

## Фармакологик хусусиятлари

Препарат мис микроэлементининг альфа-кетоглутар кислотаси билан комплекс бирикмаси бўлиб, улар аламашинув жараёнларида, шу жумладан қалқонсимон безда кечадиган жараёнларида муҳим роль ўйнайдилар.

Тиростимулин таркибига кирувчи мис ҳаётий аҳамиятга эга бўлган микроэлементдир.

Мис элементи остеогенез, пигментация ва кератизация жараёнлари учун зарурдир. Бу элемент инсон организмда қон ҳосил қилиш тизимининг муҳим компонентидир. Бунда мис темирнинг гемм таркибига қўшилишини катализлайди ва эритроцитларнинг эрта босқичлардаги ривожини жадаллаштиради.

Мис таъсири остида организмда В гуруҳи ҳамда А ва Е витаминларининг тўпланиши юз беради, карбон сувлар ва ёғларнинг, шу жумладан фосфолипидларнинг алмашинуви нормаллашади, организмнинг иммунобиологик барқарорлиги ортади.

Тиростимулин таркибига кирувчи мис қатор гормон ва ферментларнинг, шу жумладан тиреоид гормонлар синтезида муҳим рол бажарувчи трансминазаларнинг тузилиши ва фаоллашивида иштирок этади. Қалқонсимон без гормонлари синтезида мис электрон ташучиси вазифасини бажаради. Бундан ташқари мис йодиназаларни фаоллигини ошириш орқали йодни тирозил халқасига

самарали бирикишини таъминлайди. Миснинг бундай хусусияти хисобига йоднинг ўзлаштирилиши ва унинг қалқонсимон безда кечувчи гормонгенез жараёнига жалб этилиши кучаяди.

Мис ўзининг шу ва бошқа қатор хусусиятлари хисобига тиреоид гормонлар синтезини жадаллаштиради.

Тиростимулиннинг таркибий қисми хисобланган альфа-кетоглутар кислотаси моддалар алмашинувида муҳим рол ўйнайди. У инсон организмнинг энергия мувозанатини таъминловчи ва энергия генерациясининг асосий механизми бўлиб хисобланган Кребс циклида иштирок этади.

Альфа-кетоглутар кислотасининг аҳамиятли вазифаларидан яна бири унинг аммиакни транспортлаши бўлиб хисобланади. Бунда у инсон организмда амалга ошувчи ва аммиакнинг метаболитик зарарсизлантириш жараёнининг энг асосий иштирокчиларидан бири бўлиб хисобланади. Бундан ташқари, қалқонсимон без гормонларининг эндоген синтезининг асосий босқичларидан бири бўлган трансаминланиш жараёни альфа-кетоглутар кислотаси иштироки орқали таъминланади.

Тиростимулин ўзига хос таркиби хисобига қалқонсимон бездаги гормонлар синтезининг энг аҳамиятли жараёнларига фаоллаштирувчи таъсир кўрсатади.

Препарат оксидаза қатори ферментларини фаоллаштириш орқали тиреоид гормонлар синтезининг дастлабки босқичи – фенилаланинни тирозинга айланиш жараёнини жадаллаштиради. Бундан ташқари, тиростимулин придоксальфосфатга боғлиқ β–элемирланиш жараёнини кучайтириш орқали уч- ва тетраодтиронинларнинг синтезига олиб келадиган моно- ва дийодтирозинларнинг конденсациясига ижобий таъсир этади. Тиростимулин тироксидларда йод алмаширувига таъсир этадиган ферментлар фаоллигини ортиради. Бунинг оқибатида тирозил халқасининг тирозин йодиназа таъсиридаги йодлашуви изчил равишда амалга ошади.

Тиростимулин ўз таркибида мис ва у билан боғланган альфа–кетоглутар кислотасини сақ-

лагани туфайли қайта аминланиш жараёнларини самаралигини ошириш, аминогурхлар аксептори, кетогурхлар донори вазифаларини бажариш имконига эга, ва шу орқали тиреоид гормонлар синтезини жадаллаштиради.

Препарат қалқонсимон без структурасининг бутунлигини нормаллаштиради, кичик ўлчамли янги фолликулаларнинг самарали шаклланишига ва тироцитларнинг секретор фаоллигини ортишига ёрдам беради. Унинг таъсирида зич коллоид сақловчи катта ўлчамли фолликулаларнинг миқдори сезиларли камаяди.

Препарат шунингдек жигарда кечадиган биокимёвий жараёнларни рағбатлантиради. Бунинг оқибатида тироксиннинг қисқа муддатларда қалқонсимон безнинг энг фаол гормони бўлган учйодтиронинга периферик конверсиясининг пасайган кўрсаткичлари тикланади.

Препаратни қалқонсимон без касалликларида қўллаш орқали безнинг гормон хосил қилиш фаолиятини тикланиши билан качадиган эрта ва юқори терапевтик самарага эришилади.

Тиростимулин тугунли ва аралаш бўқоқларда тугунларнинг ўлчамини қисқаришига, ҳатто уларни йўқолгунча тез ва самарали ёрдам беради. Препарат иммунмодулловчи хоссаларга эга. Унинг таъсирида иммун тизимининг супрессор фаоллиги тикланади.

Препарат таъсири остида қалқонсимон бези касалликларининг асосий клиник белгиларини (бўғилиш ва тамоқда луқмани тиқилиб қолиш хисси, соч тўкилиши, ҳолсизлик, тери қопламаларининг қуриши ва бошқалар) қисқа мудатларда йўқолиши кузатилади.

Тиростимулин қон хосил қилиш фаоллигига ҳам эга.

### **Қўлланилиши**

#### **«Тиростимулин» гели**

Қалқонсимон безнинг йод танқислиги билан боғлиқ бўлган қуйидаги касалликларини даволаш учун қўлланади:

- энгил ва ўртача оғирлик даражасидаги диффуз бўқоқ;
- аутоиммунн компонентсиз ва у билан бўлган гипо- ва эутиреоид бўқоқ;
- аралаш бўқоқ;
- тугунли/кўп тугунли коллоид пролиферацияланувчи бўқоқ.

#### **«Тиростимулин» гели «Глутамед» препарати таблеткалари билан биргаликда**

Қалқонсимон безнинг қуйидаги касалликларини даволаш учун қўлланади:

- турли оғлик даражасидаги диффуз бўқоқ;
- қанқонсимон без гипофункцияси;

- субклиник ва манифест гипотиреоз;
- аутоиммун компонентли диффуз бўқоқ;
- аралаш бўқоқ;
- тугунли/кўп тугунли коллоид пролиферацияланувчи бўқоқ;
- гипотиреоз билан кечадиган аутоиммун тиреодит;
- бирламчи ва спонтан гипотиреозда қўлланилади.

### **Қўллаш усули ва дозалари**

Тиростимулин гели сиртга, қалқонсимон без соҳасидаги терига юпқа қилиб таҳминан 1 граммдан, тубикдан сиқиб чиқаришда таҳминан 3-3,5 см, кунига 1 маротаба сурилади. Енгил, ҳеч қандай кучсиз гел сўрилиб кетгунча ишқаланади.

Даволаш курси 15-30 кун. Зарурати бўлганда даволаш курси узайтирилиши ёки қўшимча даво курслари белгиланиши мумкин.

«Тиростимулин» препарати гелини қуйидаги схема бўйича «Глутамед» препарати таблеткалари билан биргаликда қўллаш мақсадга мувофиқдир:

«Глутамед»нинг 1 оч-ҳаворангли ва 1 оқ рангли таблеткадан кунига 2 марта ёки 2 оч-ҳаворанг ва 2 оқ таблеткадан кунига 1 марта овқатдан 0,5-1 соат олдин буюрилади. «Глутамед» препарати билан бир вақтда «Тиростимулин» препарати гели юқоридаги схема бўйича қўлланади.

Иккала препарат билан олиб борилган даволаш курси 15-30 кун. Зарурати бўлганда даволаш курси узайтирилиши ёки такрорий даво курслари белгиланиши мумкин.

### **Ножўя таъсирлари**

Препарат индивидуал равишда қўлланганда ҳам, «Глутамед» препарати билан биргаликда қўлланганда ҳам яхши ўзлаштирилади, ножўя таъсирлари аниқланмаган

### **Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар**

Қалқонсимон безнинг барча табиатли гиперфункцияси, препаратга бўлган юқори сезувчанликда қўллаш мумкин эмас

### **Дориларнинг ўзаро таъсири**

Препаратни глутамед билан бирга қўллаш яққол клиник самарага эрта эришишга ёрдам беради, чунки бу препаратлар ўзаро синергистлар хисобланади.

Тиростимулин ва глутамед орасидаги синергистик таъсир иккала препаратни ташкил қилувчи компонентларининг қалқонсимон безида кечадиган, ўзаро боғланган эндоген гармоногенезнинг турли босқичларини рағбатлантириши билан боғлиқ.

## Махсус кўрсатмалар

Миснинг эндоген етишмовчилигида ўсиш жараёни секинлашади, гипотрофия, аорта эластинининг дегенератив ўзгаришлари, пигментация ва меъда-ичак бузилишлари, эритроцитларнинг емирилишини тезлашиши кузатилади, организмнинг ферментатив ва гормонал фаоллиги пасаяди.

Миснинг сурункали етишмовчилигида эса скелетдаги ўзгаришлар (рахитда кузатиладиган ҳолатларга ўхшаш) билан кечувчи остеогенезнинг бузилиши, узун суякларнинг охирларини емирилиши юз беради.

Препарат йўриқномада кўрсатилган дўзаларда қўлланилганида инсон организмнинг ҳаёт учун муҳим микроэлемент - мисга бўлган суткалик эҳтиёжини тўлиқ қондиради.

Қалқонсимон без гормонларининг биосинтези ва ажралиб чиқишидаги бузилишлар психологик ва жисмоний равожланишларни орта қолиши, тўқималарнинг шаклланиши ва марказий нерв тизимини функционал етилишидаги бузилишларга олиб келади. Бундай ўзгаришлар натижа-сида организмнинг килородни ўзлаштирилишидаги орта қолишлар, брадикардия, тери соҳа-сида мукополисахаридларни йиғилиб қолиши, қонда липидлар ва холестерин миқдорларини ортиб кетиши, гипотермия, кўпгина эндоген метаболитик жараёнларни бузилиши кузатилади.

Хомила ва янги туғилган чақалоқларда қалқонсимон без гормонлари миқдор кўрсаткичларининг меёрдан камлиги кўпгина бузилишлар ва ақлий равожланишнинг қайтмас орта қолиши билан давом этувчи кретинизм касалиги келиб чиқишига олиб келади. Нисбатан катта ёшдаги болаларда гипотериоз келиб чиқиши оқибатида

ақлий равожланишга таъсир этмайдиган умумий равожнинг орта қолиши кузатилади.

### *Ҳомиладорлик ва лактация даврида қўлланилиши*

Тиростимулин токсик бўлмаган препаратлар грухига мансуб бўлганлиги туфайли лактация ва хомиладорлик даврида қўлланилиши мумкин, бундан хомиладорлик тиреотоксикози мустасно.

### *Автомобилни ва мураккаб механизмларни бошқариш қобилиятига таъсири*

Тиростимулиннинг автотранспортни бошқариш ва бошқа механизмлардан фойдаланиш қобилиятига таъсири юзасидан тадқиқотлар ўтказилмаган

### Дозани ошириб юборилиши

Тиростимулин токсик бўлмаган препаратлар грухига мансуб бўлганлиги сабабли дозани ошириб юбориш оқибатида келиб чиқиши мумкин бўлган интоксикация ҳолати эҳтимолдан йироқ.

### Чиқарилиш шакли

Гель 0,2% 10 г ва 15 г дан тубаларда, флаконларда тиббиётда қўлланилишига доир йўриқ-номаси билан бирга

### Сақлаш шароити

25° С юқори бўлмаган ва болалар олол-майдиган жойда сақлансин.

### Яроқлилик муддати

4 йил. Яроқлилик муддати ўтгач қўлланил-масин.

### Дорихоналардан бериш тартиби

Рецепт бўйича.

### Ишлаб чиқарувчи

«А.В – ВІОКОМ» МЧЖ

**Kompaniya o'z mahsuloti sifati va iste'molchilar sog'ligi haqida o'ylaydi. Shuni inobatga olgan holda, preparat haqida sizning fikr va mulohazangiz, uning effektivligi yoki nojoya tasiri kuztilgan hollarda, shuningdek dori vosita haqida sizlar uchun muhim bolgan malumotlar haqida bizga yozma yoki telefon orqali murojat etishingizni soraymiz**

**A.V.-BIOKOM**  
farmaseftik kompaniy

100053. Toshkent shaxri,  
Ezgulik ko'chasi, 27 uy

biokom.uz@yandex.ru

+99890 350-20-51

www.biokom.uz